

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 144 (7.137). Sotuvda erkin narxda

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот

Тошкент шаҳрида 30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси очилди.



СУРАТЛАРДА: ялпи мажлис ишдан лавҳалар. Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

Мажлисида Вази́рлар Маҳма́сининг тақлиф этилган аъзолари, фаолияти Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларга дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўдилар.

Мажлиси Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар ва унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар. Сўзга чиққанлар бу амнистиянинг қабул қилиниши инсонпарварлик намунаси эканлигини ва у суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлигини яна бир бор далолат беришини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини кўриб чиқилди. Уни муҳокама қилиш чоғида иқтисодий ислохотлар, бюджет-солиқ сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олиб тайёрланган Давлат бюджетини иқтисодий, иқтисодий ва маданий соҳаларнинг янада ривожланишини таъминлашни таъкидлаб ўтилди. Унда хусусий сектор ва кичик бизнесни ривожлантиришга, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга, маҳсулотни экспорт қилишни рағбатлантиришга, инвестициялар, ҳам ашё ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини, шунингдек, аҳоли моддий фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор берилган. Давлат бюджетини янги иш жойлари яратишни, аҳолини мақсадли қўллаб-қувватлашни, юридик ва жисмоний шахслардан олинган бир қатор солиқлар бўйича ставкаларини пайсга тўриштиришни, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган давлат харajatларининг улшини кўпайтиришни назарда тутиди. Ўзбекистон Республикасининг 2007

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ божхона органларининг айрим ходимларига унвонлар бериш тартибини белгилайдиган "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги Қонунни ҳам қабул қилдилар.

"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг муҳокама-сида сўзга чиққанлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан мамлакатга кириш ва ундан чиқиш кетиш тартиби, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида бўлиш қоидалари сўзсиз баҳарлигини таъминлашга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 2-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилди. Киритилаётган тузатишлар мавжуд амалиётни гаров тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштиришга қаратилганлиги кайд этилди. Ушбу Қонунга мувофиқ қўчмас мулк гарови тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш чоғида давлат божи эмас, балки тегишли ҳақ ундирилади. Шу муносабат билан давлат божини тўлашдан озоод қилишга доир нормалар "Давлат божи тўғрисида"ги Қонундан чиқариб ташланди. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Шунингдек, "Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ҳам маъқулланди. Уни муҳокама қилиш чоғида Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Қонун амалдаги қонунга тегишли тузатишлар киритади ва бу тузатишлар молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтиришнинг ҳуқуқий базасини кенгайтиради.

"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг интеллектуал мулкка тааллуқли қоидаларини "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонун нормаларига мувофиқлаштириш мақсадида қабул қилинганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун маъқулланди.

Ялпи мажлисида ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди: Сенатнинг "Муаллифлик ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси" раиси этиб илгарги шу Қўмита раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган сенатор Маъруф Усмонов сайланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кунини тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар жазодан озоод қилинсин:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркеклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик оқсасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озоод қилинсин.

3. Мазкур Қарор қўчма қирғунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қилмайдиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, деб топишган шахслар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириб жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озоод қилинсин.

4. Озоодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо мудда-

ти икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний қўчма қирғун маҳкумлар (жавобгарлиқни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириб жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озоод қилинсин.

5. Таъқиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озоодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озоод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилсин.

7. Мазкур Қарорга асосан жазодан озоод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг

ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасдан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озоодликдан маҳрум қилинганларга – ундан бир қисмига;

б) қасдан содир этган жиноят учун ўн йилдан ортиқ муддатга озоодликдан маҳрум қилинганларга – тўртдан бир қисмига.

8. Таъқил этилмасин: а) мазкур Қарор – ўта ҳавфи рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибиде жазодан озоод бўлган, яна қасдан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-4, 6, 7-бандлари – таъқиланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде тинчлик ва ҳавфсизликка қарши ёки жамоат ҳавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.

9. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан маъсулият Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳма́си зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан қўчма қирғун ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров Тошкент шаҳри, 2006 йил 30 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 29 ноябрь куни навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Комиссия Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 11,12-моддалари ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасига асосан халқ депутатлари Бўхоро, Тошкент ва Фарғона вилоят Кенгашлири тавсияларига кўра 25-Ибн Сино, 75-Зангиота, 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тўзди ва уларнинг таркибини тасдиқлади.

Шунингдек, округ сайлов комиссияларига депутатлар сайловини ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган тадбирлар режаси ижросини таъминлаш, 4 декабрда сайлов участкаларини,

9 декабрда участка сайлов комиссияларини тузиш, уларнинг таркибини тасдиқлаш масалаларини кўриб чиқиш вазифалари юкланди. Бундан ташқари, жойлардаги давлат органлари, маюссасалар, қорхоналар ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда округ ва участка сайлов комиссияларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатишлари лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Сайлов жараёнини ёритишда ошқоралиқ таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz веб-сайтдан ташқари сайловчиларнинг мурожаатларига жавоб бериш учун телефон алоқасининг алоҳида рақамлари ажратилди: 139-82-14 (телефон-факс), 138-29-75, 139-43-91. Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази, Бўхоро, Тошкент ва Фарғона вилоят сайлов комиссиялари ҳузурида ҳам матбуот гуруҳлари тузилди.

Комиссия ўз ваколатига доир бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

(ЎзА)

Капурни хотирлаб

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказиладиган, таниқли ҳинд актёри, миллионлаб кино мухлисларнинг севилими "Юлдузи" Раж Капур хотирасига бағишланган Ўзбек-ҳинд муносиқ кечалари олдидан Капурлар сулоласи вакиллари ўзбекистонлик журналистлар билан учрашди.

Маълумки, ўзбек-ҳинд халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Ҳиндистонликлар Бобур Мирзо ва унинг авлодлари бунёд эттирган муаззам обидалар, бобурилар сулоласи амал-

га оширган эзгу ишларни хотида қадрлашди, улар тимсолида ўзбек халқига ҳурмат бажо айлашди. Айниқса, мамлакатимиз

муқаддасликка эришганидан сўнг халқларимиз ўртасидаги мунсабатлар янгилашган мазмун касб этиб, янада юксак поғонага кўтарилди. Бунда давлатларимиз раҳбарларининг учрашуварларида эришилган келишуварлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилганлигини эса алоҳида таъкидлаш зарур.

Мазкур тадбирларда таниқли санъаткорнинг фарзандлари – Рандхир ва Риши Капур ҳамда хинд кино санъатининг бир гуруҳ намояндалари иштирок этишмоқда. Хотира кечалари Самарқанд, Наманган шаҳарлари, шунингдек, пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" ва "Туркистон" саройларида бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз

«Қишлоқ ҳаёти» газетасига 2007 йил учун обуна бўлдингизми? Газета нашр кўрсаткичи - 144

Қарор ва ижро Барчага яхши маълумки, электр энергиясига гоят зарур ресурс, беқийс мўъжиза сифатида қаралади. Ҳисобли дўст айрилмас

Йўл далага туташади Мамлакатимизнинг йирик олий ўқув юртиларидан бири – Тошкент Давлат Аграр университетида уч муҳим йўналиш – кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ўзаро уйғунликда олиб бориламоқда.

Ижобат Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фермерлар қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг етакчи кучи бўлиб қолишди. Фермер – қишлоқдаги етакчи куч

1 декабрь-Жаҳон СПИД (ОИТС)га қарши кураш куни Яшаш ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир

Ҳисобли дўст айрилмас

(Боши 1-бетда)
 Аслида электр назоратчи-ларнинг иш шариоти бошқа тармоқ ходимлариникидан фарқ қилади. Иш мураккаб шартларда олиб борилади. Бундай вазиятда меҳнат қилишнинг ўзига яраша қийин ҳижатлари кўп. Ўз ишининг устаси бўлган ходимларимиз юқори вольтли электр линиялари орқали электр токни доимий истеъмолчиларга етказиб беришмоқда. Бироқ, сўнгги пайтларда баъзи бир ташкилот ва корхоналар ҳамда айрим кимсалар томонидан электр энергиясидан фойдаланиш тарзда фойдаланиш, уни талон-тороқ қилиш ва фойдаланган электр энергияси учун ҳақини ўз вақтида тўламаслик сингари ҳолатларга дуч келинмоқда. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги "Электр, иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизоми кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориди ташкилот раҳбарлари томонидан бу бордаги амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар аниқ белгилаб берилган. Бундан ташқари, ҳукуматимизнинг соҳага тегишли бир қатор қарорларида бу масалага алоҳида тўхтаб ўтилган. Энергетика тизимини ривожлантиришга ҳамият ва унинг туманлардаги ўн иккита бўлими ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интиляпти. Халқ ҳўжалиги, саноат корхоналари, аҳоли хонадонларига электр энергиясини узлуқсиз етказиб беришдек масъулиятли вазифани адо этишга минг нафардан ошқ тажрибали назоратчилар, муҳандислар жалб этилган.

дебиторлик қарзини юзага келтиради. Бунинг оқибатида эса энерготўловчи ташкилотлари ўз ускуналарини таъмирлаш, эскирган ва яроқсиз жиҳозларни янгисига алмаштириш ҳамда эҳтиёт қисмларини сотиб олиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бу ҳол юз бермаслиги учун барча чоралар кўрилувчи.
 - Эътиборга молик жиҳат шундаки, амалдаги йилнинг ноябрь ойида энергия сотиш режа кўрсаткичларини бажариш, дебиторлик қарздорликни (бир ойлик истеъмол миқдорига) камайтириш мақсадида бир талай ишлар амалга оширилди, - дейди Бухоро вилоят электр тармоқлари корхонаси директор ўринбосари Зокир Очилов. - Шаҳар ва туман электр тармоқлари корхонаси бошлиқлари,

миздек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил ноябрь ойида айнан электр энергияси билан боғлиқ иккита муҳим қарорни чиқарилган. Булар "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорлардир. Ана шу қарорларда белгиланган вазифаларни тўлақонли бажариш мақсадида ҳамиятда ўтган йилнинг ўзида алоҳида буйруқлар чиқарилди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ҳар икки қарор бўйича алоҳида ишчи гуруҳлари ташкил қилиниб, уни бажариш муди-рати ва бажарилиши учун масъул бўлган шахслар белгиланди.

Халқ ҳўжалиги, саноат корхоналари, аҳоли хонадонларига электр энергиясини узлуқсиз етказиб беришдек масъулиятли вазифани адо этишга минг нафардан ошқ тажрибали назоратчилар, муҳандислар жалб этилган.

Хаво совий бошлади. Энди ёғин-сочинли кунлар кўпаяди. Жамиятда кузги-қишқи мавсумга тайёргарлик кўриш ишларига баҳордаёқ киришилган эди. Бу борда Президентимизнинг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2006-2007 йиллар кузги даврида барқарор ушлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосий дастур бўлди. Жамиятда шу ҳужжат асосида вазифалар белгилаб, зарур жойларга нимстанциялар, трансформаторлар ўрнатилди. Бундан ташқари, вилоят марказидан анал олисда жойлашган чекка овул ва қишлоқлардаги трансформаторлар яна бир бора назоратдан ўтказилди.

Уларнинг ўринбосарлари, катта диспетчерлар ҳар кун 4 соат давомда гуруҳлар билан ишлаб, истеъмолчилар ўртасида шартнома шартларини бажариш учун тушутириш ишларини олиб боришлари йўлга қўйилди. - Истеъмолчилар йўл қўйган қондабузарлик ҳолатлари бўйича далолатно-



адлия заврилгидан 2004 йилнинг 25 ноябрида 1437 ракам билан рўйхатдан ўтган "Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасида узаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисида"ги Низомга кўра, дебиторлик қарзларини камайтириш учун жойларда мониторинг олиб борилаётди. Бу вазифа вилоят солиқ бошқармаси ҳамда Бухоро вилоят электр тармоқлари очик акциядорлик жамиятининг буйруқларига кўра ҳамкорлик йўлга қўйилган. Истеъмолчиларнинг мавжуд қарздорликларини аниқлаш мақсадида махсус бригадалар ташкил қилинди. Уларга соҳани мукамал билладиган, кўп йиллик тажрибага эга мутахассислар жалб этилди. Бундан ташқари, чекка туманларда вақти-вақти билан қўшма рейдлар уюштириб турилибди. Рейдлар давомидида истеъмолчиларнинг электр энергиясидан ўғринча фойдаланиши, ускуналарни тармоққа руҳсатсиз улаб олиши, муддати ўтган дебиторлик қарзи бўла туриб электр энергиясидан фойдаланиши ва яна бир қатор қондабузарликларга йўл қўйилиш ҳолатларига дуч келинмоқда. Ваҳоланки, электр энергияси учун ўз вақтида тўловнинг амалга оширили-

мадар тузиш, уларнинг фойдаланган электр энергиясини ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқлаб, қўшимча ҳисоб варағи тақдим этиш ҳамда тўловни амалга оширмагунча тармоқдан ажратган ҳолда сақлаш мониторинги ҳам юритилмоқда. Шу билан бирга, тижорат банклари ва почта бўлиmlарида ҳар кун тушган, қўрилган ва қолдик маблағлар тўғрисида таққослаш далолатномалари тузиш йўлга қўйилди. Ҳўжалик судининг қарори билан тўловга ёки мол-мулкка қаратилган ижро ҳўжатлари корхонанинг ҳўқуқсиз томонидан назоратга олинди, ойда уч маротаба бу борда бажарилган ишлар бўйича бўлимининг ҳисоботи тингланмоқда. Юқорида эслатиб ўтгани-

(Боши 1-бетда)
 Кейинги икки йил ичида у киши XVIII жаҳон тупроқшунослари конгрессида, Россиянинг Новосибирск шаҳридаги ер илмига бағишланган йирик анжуманда, Мадриддаги Халқаро аграр соҳа олимлари конгрессида қатнашиб, Венадаги ВОКУ университетда бўлиб, республикамиз аграр таълимидидаги янгиликлар, олим ва олималаримизнинг самарали изланишлари, тупроқшунослик фанида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида маърузалар ўқиб қайтди. Айни пайтда бир қатор хорижий юрتلарнинг олимлари Тошкентга - Аграр университетига ташриф буюриб, олимларимиз олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари билан яқиндан танишдилар. -Бу каби сафарлари борди-келдилар ҳеч



шубҳасиз Мустақиллигимиз туфайли, Истиқлолимиз шарофатидан, - дейди олим биз билан суҳбатда, - бу жонажон Ўзбекистонимиз фани, таълим тизими дунё ҳам-жамиятида муносиб ўрин эгаллаб бораётганлигини далолат, албатта. Эндиликда жаҳондаги энг нуфузли университетлар, дунё миқёсидаги катта-катта олимлар биз билан ҳамкорликда ишлаш истагини билдиришляпти. Айни кўнларда ана шу ҳамкорлик натижаси сифатида Россия-Голландия-Австрия мамлакатлари олимлари билан ҳамкорликда "INTAS-Ўзбекистон-2004" дастури бўйича "Шўрланган тупроқлар унумдорлигини оширишнинг биологик асослари" мавзусида илмий изланишлар олиб боряпмиз. Яқини, кафедрамизда олиб борилаётган ишлар ҳақида устозимиз Иброҳим Туроповнинг ўзлари гапириб берақолинлар...

Эндиликда у қишлоқ ҳўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги кафедраси мудири, биология фанлари номзоди.
 Сўнгги йилларда Мурод Раҳмонқулов раҳбарлигида гузанинг янги "Умид" нави яратилди. Янги нави Тошкент вилоятининг Покент нави синаш участкасига наводрилгани аниқлаш мақсадида қабул қилиниб, тажрибалардан муваффақиятли ўтди. Бу йил Давлат нави синаш комиссиясига топширилган янги, истиқболли нави Андижон вилоятининг Избоскан, Фарғона вилоятининг Охунбобоев, Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Тошкент вилоятининг Покент ва Юқори Чирчик туманларида синавдан ўтиб, навбатдаги синав босқичларига тавсия этилди.



Йўл даллага туташади

- Бу йил пахта етиштириш мавсуми давомидида Сирдарё вилоятида бўлди, - дейди Муроджон. - Вилоятда гуза уруғчи-лигининг аҳоли ва уни ривожлантириш, туманларда усимликларни ҳимоя қилиш ҳамда агротехника тадбирлари бўйича та-


маларни тайёрлаб, ишчи қисмларини ясаш учун "Ўзбексельмаш" заводига буюртма берганмиз. Бу илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда кафедрамиз олимлари доцент Абдусаттор Дўстқулов, техника фанлари номзодлари Эрик Сайфий, Зарифбой Юсуповлар алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.
 Университетда илмий-ишлаб чиқариш тармоғи ҳам жадал ривожланаётди. Бу ҳамда гап кетар экан, 2004 йилда Вазирлар Маҳкамаси қарори билан ташкил этилган "Усимликларнинг биологик ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот маркази" фаолиятига тўхталмасликнинг илҳами йўқ.
 - Шу йилнинг ўзида, - дейди марказ директори, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди Ботир Сулаймонов, - қишлоқ ҳўжалик экинлари зараркундаларига қарши биологик усулда курашиш учун Қорақал-



пигистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларининг биологик тармоқлари ва деҳқон-фермер ҳўжалик-лари билан 120 дан зиёд шартномалар тузиб, 100 миллион сўмлик биомасъулотлар етказиб бердик. Илмий-тадқиқот ишларимизни давом эттириб, оққанотга ҳамда вилт касалликларига қарши фойдали хашаротларнинг энкарзий ва триходерминингорм-19 турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.
 Олимларимиз гуза ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинлари зараркундаларига қарши курашиш бўйича биологик тармоқлар мутахассисларига, фермер ҳўжаликларига раҳбарларига амалий ёрдам бериш учун бироқ, ёз бўйи Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Тошкент вилоятларида хизмат сафарларида бўлишди. Фермерлар, айниқса, устозимиз, профессор Х.Кимсанбоев, "Усимликларни ҳимоя қилиш кафедраси" доценти Б.Болтаев, ассистент У.Ортиқовларнинг ёрдамидан жуда хурсанд бўлишмоқда. Шу йилнинг ўзида марказимизда барча

вилоятлардан келган кўплаб мутахассислар усимликларни биологик ҳимоя қилишда биомасъулотларни етиштириш ва қўллаш бўйича ўз малакаларини ошириб қайтишди.
 - Фермерлар учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобот тизимини яратдик, - дейди бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси мудири, доцент Ражаббой Дўстмуродов. - Бу йўриқномаларини вази-рликда тасдиқлашиб, фермер ҳўжаликларига тарқатилди.
 Университетда ўз соҳасида мактаб яратган, ўз илмий-тадқиқот ишлари билан аграр тармоқ ривожига салмоқли ҳисса қўшаётган олим ва олимлар кўпчиликини ташкил этади.
 Усимликшунослик кафедраси мудири, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори, профессор Халима Отабоева, машҳур сабзавот-кор олим, профессор Владимир Ильич Зуев, техника фанлари доктори, профессор Абдураҳмон Ражабов, профессор Александр Ильич Корсун, ипакчилик кафедраси мудири, профессор Номоз Аҳмедов, деҳқончилик ва мелiorация асослари кафедраси мудири, биология фанлари доктори, профессор Собиржон Азимбоев, қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори Жума Кўрқоров, биология фанлари доктори, профессор Мурод Рашидов, ёш, иланивчан олимлардан Саодат Дўстмуродова, Муҳайё Шоу-марова, Екатерина Аблаева, Феруз Йўлдо-шев, Дилфуза Эгамбердиева, Максуд Оди-лов, Муниса Саидова, Мастура Умарова-ларнинг ҳар бири, улар олиб бораётган ил-мий-тадқиқот ишлари ҳақида узак гапириб муимки.

Олимларимизнинг бунун фикри қишлоқлар Мустақил республикамиз қишлоқ ҳўжалиги раванкига муносиб ҳисса қўшишга, фермерларимиз, ер эгалари оғирини енгил қилишга қаратилган, - дейди Лазиза Акрамова. - ҳар йили мингдан зиёд фермерлар университетимизда ташкил этилган малака ошириш курсларида ўқиб, ўз малака-маҳоратларини ошириб қайтишляпти. Шу кўнларда мамлакатимиз фермерлари учун илмий-амалий ярмарка ташкил этишга ҳозирлик кўрляпти.



Бир сўз билан айтганда, профессор-ўқитувчиларимизнинг бир оёқлари аудиторияда бўлса, бир оёқлари қишлоқда, фермер ҳўжаликлариди. Биз аграр соҳа олимлари қаерда бўлмайлик, қаерда турмайлик йўлларимиз охир-оқибат далаларга бориб туташади.
Н.ОРТИҚОВ
Б.АКРАМОВ олган суратлар.

Тадбир
Ҳамкорлик самараси
 Мамлакатимизда амалга оширилятидиган Япония ҳукуматининг беғараз ёрдам йўналишидаги кичик миқёбли - жами 625 миң доллар миқдоридидаги тўққизта ижтимоий лойиҳаси якунига етди.
 Жойларда грант олганлар ва элчхона вакиллари иштирокида мазкур лойиҳаларнинг яқунли-нишига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Мазкур грант маб-лағлари Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги касал-хоналар, мактаб ва бир қатор иж-тимоий объектларни замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан таъминлашга қаратилди.
"Туркистон-пресс"

Азиз юртдошлар!

"ПАХТА БАНК" ДАН СИЗЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР!

"Пахта Банк" янги, қулай ва манфаатли "Туҳфа" ҳамда "Адолат" муддатли омонатларини таклиф этади.

"Туҳфа" муддатли омонатининг сақлаш муддати 2 ой бўлиб, фоизли даромадингизни олдиндан олиш имкониятига эгасиз.

"Адолат" муддатли омонатининг сақлаш муддати 3 ой бўлиб, фоизли даромадингизни ойма-ой олиб борасиз.

Ушбу омонатлар бўйича йиллик 18 фоиз даромад тўланади. Омонатлар бадалининг энг кам миқдори - 50 000 сўм.

"Пахта Банк"нинг исталган филиалига мурожаат этиб даромадингизни янада кўпайтиринг.

Омонатга қўйган маблагингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

"ПАХТА БАНК" - ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Барча ширдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатингиз!

Жиззах вилоят молия бошқармаси

Куйидаги объект бўйича танлов савдоларида қатнашиш учун қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш билан очик танлов савдоси ўтказилишини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

"Пахтакор туманидаги Фазначилик биносини қайта таъмирлаш"

Қурилиш тугаллаш муддати: 120 кун.
 Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй. Телефон: (8372) 226-06-81, 226-40-78.
 Қурилиш ишларини молиялаштириш Республика Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар куйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларига ёки нўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб яқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли қасбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала ҳўқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Қурилиш ташкилотларининг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳўжатларини танлов ташкилотчиси - Жиззах вилояти қурилиш танлов савдолари ва нўрсларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказидан куйидаги манзил бўйича олиш мумкин:

Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона, соат 9.00 дан 18.00 гача. Телефон/факс: (8372) 226-14-66, 226-05-42.
 1 пакет ҳўжатларнинг нархи - 10000 сўм.
 Малакасини олдиндан аниқлаш танлов ҳўжатлари шартномага асосан ҳақ тўлангандан сўнг берилади. Малакасини олдиндан аниқлаш бўйича топширилган ҳўжатлар куйидаги манзилда очилади:
 Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй, (вилоят ҳўқимлиги биноси), мажлислар зали.
 Танловдан (иккинчи босқичга) ўтган оферентлар учун танлов 11 пакет ҳўжатлари бир тўламанинг нархи - 50000 (элик миң) сўм.
 Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан соат 9.00 дан 18.00 гача Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хонада қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охири муддати - оферталар очилиш кунини ва соати.
 Таклифлар очилиши (иккинчи босқич) матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй, (вилоят ҳўқимлиги биноси), мажлислар залида ўтказилади.

3 декабрь — Халқаро ноғиронлар кунин

Меҳрга ташна қалблар

Биттагина боланинг кўнглини кўтариш қанчалар қийин. Айниқса, хасталанганда унинг инжиқликларига чидаш яна ҳам оғир. Бир сўз билан айтганда, фарзандимизнинг соғайиши учун инсондан каттагина сабр-бардош, меҳр талаб этилади. Агар бола тугма ноғирон бўлса-чи? Унда эътибори меҳнат ҳам анчайин машаққатли, масъулиятли бўлиши тайин.

ланишлари, соғлом ҳаётга қайтишлари учун барча шарт-шароитлар ва қулайликлар яратилаётир. Бунга биз сўз юритаётган "Мурувват уйи"ни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу ерда иккита соғломлаштириш зали, битта массаж хонаси, сувада даволаш ишларини олиб бориш имконини берувчи бассейн, минифутбол, баскетбол, теннис, атлетика, волейбол билан шуғулланишга мўлжалланган спорт мажмуалари довланувчилар хизматида.

Тахлиллар натижасига кўра, касаллар амбулатор ва стационар режимида даволанади. Яқинда оғир касалликларга оид бир неча мураккаб операция ҳукумат кўмаги ва ҳомийлар муруввати билан Жанубий Корея, АҚШ сингари хориз давлатларида ўтказилди. Бунинг натижасида ўзини умуман эппай олмай-диган болалар хозирда ўтириши, ноғиронлар аравачасида юриши, ёрдамсиз тура олиши, ўзлари овқатланиши ўрганиб қолишди. Бундай ноғиронлар учун мана шунинг ўзи ҳам катта бахт. Ахир улар бир умр шунга интилиб яшаб келган. "Мурувват уйи" аҳолидан доимий бохабар бўлаётганлар, керак бўлса, меҳрини аямаётган ташкилот ва идоралар сафида "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК, "Ўзтрансгаз" АК, Молия вазирлиги, "Сен ёлғиз эмасан" жамғармаси, "Галлабанк" АТ-Блар бор.



Тошкентдаги 1-сонли "Мурувват уйи" тарбиячилари ана шундай вазифаларни ўз зиммаларига олишган. Айни пайтда ушбу масканда республикамизнинг турли худудларидан келган уч юзтадан ортиқ ноғирон ўғил-қиз тарбияланмоқда, зарурий тиббий муолажаларни олмақда. Ақлан заиф, хар хил сабаблар билан ноғирон бўлиб қолган болаларнинг ҳаётида ўз ўринларини топишида эса ширин сўз, доимий эътибор зарур.

— Бу давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибори ҳомийлар ёрдамида қилинаётган гамжўрликлар самарасидир, — дейди "Мурувват уйи" директори Татьяна Григоровка. — Авваллари бу ерга келганда, зарурий тиббий муолажаларни олмақда. Ақлан заиф, хар хил сабаблар билан ноғирон бўлиб қолган болаларнинг ҳаётида ўз ўринларини топишида эса ширин сўз, доимий эътибор зарур.

Айтиш жоизки, юртимизда бошқа халбалар сингари тиббиёт соҳасига, хусусан, "Мурувват уйлари"га ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Натижада, бу каби "Мурувват уйлари"да ноғиронларнинг даво-

— Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан ёрдам қўлини чўзаётганлар сони янада кўпайди. Албатта, уларнинг химматларидан мамнунимиз, — дейди шу муассаса ходимаси Махмуда опа.

Яна бир эътиборли жиҳати, "Мурувват уйи" тарбияланувчилари яқинда Бельгияда ноғиронлар учун махсус ташкил қилинган спорт олимпиадасида қатнашиб, яхши кўрсаткичларга эришишган. Бу ҳам ноғиронлар учун кўрсатилаётган хизмат ва мунғазим спорт машғулотини зоё кетмаганлигидан дарақдир.

Айни пайтда мазкур масканда олиб борилаётган ишларнинг барчаси республикамизда бундай кўнгли ярим инсонлар эътибордан четда эмаслиги, аксинча, доимий ихтимовий, маънавий ардоқда эканлигидан далолат беради.

Мамарасул БЕКИЕВ

"Қамолот" да янги босқич

Маълумки, 2006 йил 10 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Унда мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири эканлиги, шу мақсадда амалга оширилаётган барча ишларга, соҳага бевосита масъул ва дахлдор бўлган давлат ҳамда жамоат бир-лашмалари фаолиятига ана шу нуктаи назардан баҳо бериш лозимлиги белгиланган.

Қуни кеча Тошкентда Ўзбекистон Республикаси "Қамолот" ёшлар ижтимоий Ҳаракатининг II Қурултойи ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 600 нафар вақил иштирок этди. Анжуманда юқоридаги қарордан келиб чиқадиган вазифалар ва галдаги муҳим масалалар ҳусусида сўз борди.

Қурултойда Ҳаракатни бундан буён ёшларнинг мустақил ҳаётига дадил қўлини, биринчи навбатда, қишлоқ жойлардаги йигит-қизларни иш билан таъминлаш, уларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, соғлом турмуш тарзини яратиш имкониятини бериш, ёшларнинг қўнғун манфаатлари, ҳуқуқларини хар томонлама ҳимоя қилишга қодир бўлган таъсирчан ташкилотга айлантириш муҳим масала эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар Ҳаракатнинг янги Дастур ва Низом лойиҳасига оид фикр-мулоҳазаларини билдириб, улардаги асосий қондаларни ҳаётга татбиқ этишда барча аъзолар ташаббускор ва фаол бўлиши зарурлигини эътироф этишди.

Қурултойда Ҳаракат Марказий кенгаши ва раиси, Назорат-тафтиш комиссияси аъзолари сайланди.

Орзуғул РУСТАМОВА

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Навоий вилоят ҳокимлиги ўрта, ўрта-маҳсус, касб-хўнар таълими тизимида гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш мазвусидаги тадбирларни доимий амалга ошириб келмоқда.

Ўқув йили давомида Кармана, Қонимех, Навбахор, Нурота туманлари ва Навоий шаҳридаги 18 та таълим муассасасида шу йўналишда амалий учрашувлар, тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича гуруҳ раҳбари, ётоқхона тарбиячилари ва руҳшунослар томонидан "Маънавият соат"лари олиб борилапти.

Яқинда Навоий маданият ва санъат коллежида уюштирилган "Ёшларни аср вабоси — гиёҳвандликдан сақлайлик" мазвусидаги анжуман навбатдаги тадбирлардан бири бўлди. Вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус касб-хўнар таълими бошқармаси, Навоий давлат педагогика ва Навоий давлат кончили институтлари ҳамкорликда ўтказган ушбу анжуманда иштирокчилар гиёҳвандлик иллоти ва унинг жижкан оқибатлари, унга қарши курашиш ҳусусида фикр алмашдилар.

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

SPORT O'LAMIDA

Машҳурлик ҳам қийин экан

"Манчестер Юнайтед"нинг португалиялик ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду голландиялик бир мухлиси билан ҳеч қутулмайпти.

Бу қиз унинг Манчестердаги уйининг олдида ўралашиб юрди. Ҳатто, Роналду бу масала билан клуб хавфсизлик ходимларига ҳам мурожаат қилди ва қизча ўз ватани — Голландияга элиб қўйилди. Аммо Роналду эртасига машғулотдан қайтаётганда, унга дуч келди. Хуллас, футболчи қиз билан гаплашишга мажбур бўлди. Унинг мақсади Роналду билан дўст бўлиш экан, холос. Аммо "Қизил иблислар" аъзоси бу мухлиси билан дўст тутишини истамапти.

— Мен, ҳатто, унинг онаси билан телефонда гаплашиб, вазиятни тушунтирдим. Лекин ҳеч нарса ўзгармади. У уйим олдида нарига кетмапти. Нима қилишга ҳайронман, — деди футболчи журналистар билан сўхбатда.

Шунингдек, Роналду унга ҳаҳон чемпионида Португалия Голландиячи мусобақадан чиқариб юборганлигини айтгани ҳам таъсир қилмади. Афтидан, қизалоқ Роналдуни севиб қолган. Акс ҳолда, у ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, мусофириқда бирровнинг уйи олдида кун ўтказмасди.

"Ардус" чемпионлик сари одимлади

Наманган шаҳрида футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати 2-тур баҳслари бўлиб ўтди. Турнинг марказий ўйинида икки етакчи жамоа — "Ардус" (Тошкент) ва "Строитель-ПЭМ" (Навоий) клублари ўзаро куч синашди.

Муросасиз баҳслар остида кечган ўйин 2:1 ҳисобида пойтахтликлар галабаси билан якунланди. Навоийлик футболчилар мағлубиятидан унумли фойдаланган "Курувчи" (Зарафшон) "Нафис" билан ўйинда 9:0 ҳисобида зафар қучиб, турнир жадалидаги маъмени яхшилаб олди. Шунингдек, Андижоннинг "Турон-С" клуби ҳам бу турда "Жиззах-С"ни 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Турнинг қолган ўйинлари эса қуйидаги натижалар билан якунланди: "Чирчик" (Тошкент вилоти) — "Учқуд" (Навоий) 6:3, "Буқиной" (Зарафшон) — "Олимпия" (Жиззах) 6:2, "Чотқол" (Тошкент вилоти) — "М-Олимпия" (Наманган) 2:8.

Турнир жадалида "Ардус" 33 очко билан қарвонбошлик қилмоқда. Иккинчи ўриндаги "Курувчи"да ҳозирча 27 очко бўлса, 24 очко жамғарган "Турон-С" учинчи поғондан жой олган.

Тупурлар рўйхатида Ўзбекистон терма жамоаси ва "Ардус" ҳужумчиси Абдулла Бўриев 33 гол билан биринчи бўлиб турибди. Чемпионатнинг 3-тур ўйинлари 17-22 декабрь кунлари Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида бўлиб ўтади.

Кучлилар очко йўқотишмади

Доҳада ўтаётган XV Осиё ўйинлари футбол баҳслари қизгин давом этмоқда. Чоршанба кун "D", "E" ва "F" гуруҳларида 1-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Амалдаги чемпион Эрон терма жамоасидан ФИФА жазоси олиб ташланди. Эронлик футболчилар биринчи ўйинни Мальдив ороллари терма жамоасига қарши ўтказиб, 3:1 ҳисобида галаба қозонишди. "F" гуруҳи фаворити ҳисобланган Япония футболчилари илк учрашувда покистонлик рақибларига қарши майдонга тушишди. Кейсукэ Хонда, Хироюки Танигучи (икки борлар) томонидан киритилган уч голга Покистон терма жамоасидан Муҳаммад Расул ва Навид Ақромлар икки тўп билан жўб беришди. Сурия-ҚХДР-0:0. Футбол учрашувлари 2 декабрь кун яна давом этди. Унда "А", "В" ва "С" гуруҳи жамоалари 2-тур баҳсларини ўтказишди.



Ф.АБИЛОВ тайёради.

5 октябр кунни Малага шаҳри турмасига қамаб қўйилган боксчи машина ҳодимига зўра-вонлик қилганликда айбланганди. Лекин унинг менежери Барри Хьюз ўз миқозини 13 ноябрь кунни озод қилишга муваффақ бўлди. Шунингдек, WBO мугасаддилари унга Ники Кукка қарши рингга қўтарилишга рухсат берди. WBO раҳбарларининг сўзларига кўра, Скотт Харрисон чемпионлик камарига меҳнат эвазига эришган ва камарни ундан "жангсиз" олиб қўйиш адолатдан бўлмайд.

У WBO чемпионлигини 2002 йили қўлга киритган. 2003 йилда эса Мануэл Меденага имкониятни бой бериб қўйган, аммо, такрорий "жанг"да Меденадан қучли эканлигини исботлаганди.

МИНСК БЕЛАРУС

ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

МТЗ "Беларус"

ТРАКТОРЛАРИ

МИНИ ТЕХНИКА

ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақлиф этади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Братислава кўч., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. Факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Тандирдаги хазина

Ертибой ака уй сотиб олган, янги маҳалла аҳли билан танишиб, "исчиқариш" ниятида мўъжазгина маърака қиладиган бўлди.

Ертибой аканинг аёли жиззали нон ёпиш учун бир вақтлар қурилган тандирни тозалати. Қунгурасига ис босиб қолган оташхонага энгашди. Эски тандирнинг ичи хас-чўплар билан тўлиб ётибди, гугурт чақилса борми, похолдек гўл этиб аланга олади-ю, тандир бинойидек тоза бўлади. Кампир энди гугурт чақмоқчи бўлганида, тандир ичидан "парр" этиб узун елпичим думли зағизон учиб чиқди. У "Тандирга қуш уя қурибди, шекилли" деб, у ерда тўплаган ётган хас-чўпларни чиқара бошлади.

Бир пайт қараса, тандир ичида бир қанча ялтирок, жилдор нарсалар, чой қошиқча, кўзгу бўлаги, совун кутиси, шиша қопқоқлари, марварид шодиси, зумрад қўзи узук, бир пой олтин зирак сингари буюмлар йиғилиб ётарди.

Чол-кампир келишиб, маҳалла аҳли келадиган кун бу қимматбаҳо топилмаларни ҳаммага кўрсатишга аҳд қилишди. Қариялар, қўни-қўшни маъракага чақирилган кунни эшик олдидаги далончага қийқча ёзилиб, унга топилмалар ёйиб қўйилди.

Уйни муборак этгани келувчилардан бири — саксон ёшни қоралаб қолган Мусулмонқул бобо улар ичида бир вақтлар йўқотиб қўйган кашакли тишини таниб қолди-да, уни ювиб оззига солди. Ҳа, уша ўзининг қоплама тиши экан, энди паловни чайнаб еса бўлади.

Марварид шодасининг эгаси ҳам тоғилди-ю, хонадониди "совуқчилик"ка хотима берилди. Маржонни қуриб қўшни келиннинг уйига тез-тез келиб турадиган совчилар, қайинсингиларига бўлган шубҳалари тарқалди.

Маннон НАБИЕВ

АВТОТРАНСПОРТ — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬУТЕРИ — AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўринлиқ, 0,8 тонна юк қўтарилган фурголар, 6-15 ўринлиқ микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш инсталган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

АООТ "Тошқурилиш материаллари ЛИТИ" соошбаат о проведении внеочередного общего собрания акционеров, которое состоится 9 декабря 2006 г. 11 часов в здании института по ул.Сукрот, 13.

Повестка дня:

- Выборы Наблюдательного совета общества.
- Назначения исполнительного органа общества.
- Утверждение Устава общества новой редакции.
- Увеличение Уставного фонда общества.

Реестр акционеров закрывается с 30 ноября 2006 года. Наблюдательный совет общества

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ЎзПИТИ)

2007 йил учун қуйидаги ихтисослик бўйича аспирантура қабул эълон қилади.

Қўнғунли бўлими:

- Мелиорация ва сугорма дехқончилик
- Умумий дехқончилик
- Ўсимликшунослик

Аспирантурага кирувчилар:

Институт бош директори номига ариза ҳамда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари зарур:

- Шахсий варақа
- Таржимаи ҳол
- Иш жойидан тавсифнома
- Чоп этилган илмий ишларнинг рўйхати ёки қираётган ихтисоси бўйича реферат
- Диплом ва синов дафтарчасидан кўчирма
- Меҳнат дафтарчасидан кўчирма

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлардан олинади: Тавиланган ихтисоси бўйича, Чет тили, Ўзбекистон тарихи, Фалсафа.

Аспирантурага кириш учун ҳужжатлар 2006 йил 10 декабрдан қабул қилинади.

Ҳужжатларни қуйидаги манзилга юбориш ёки бевосита топшириш мумкин:

702133, Тошкент вилоти, Қийраб тумани, Оққовоқ а.б, ЎзПИТИ аспирантура бўлими, телефон: 64-20-45.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Ўқтам БАРОНОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекс тарихидоғат ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-58-83, 136-56-25. Котибият — 133-95-17. Реклама ва эълонлар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс — 133-44-43, 133-40-87.

ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон — 8-374-22-234-98; Бухоро — 8-365-22-644-61; Жиззах — 8-372-22-636-34; Навоий — 8-436-22-60-525; Наманган — 8-369-41-234-23; Фарғона — 8-373-61-221-97; Самарқанд — 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё — 8-376-46-526-61; Сирдарё — 8-367-37-23-813; Тошкент — 8-371-136-56-21; Хоразм — 8-362-22-623-50; Қашқадарё — 8-375-22-517-65.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР МАТНИ УЧУН БУЮРТМАЧИ ЖАВОБГАР (тижорат мақола)

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Д.УЛУФМУРОДОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Бош мушоҳиҳ: Ҳ.ТОШҲУЖАЕВ